

КИМЁ СANOATИДАГИ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 7 июль куни кимё саноатида эришилган асосий кўрсаткичлар ва режалаштирилган лойиҳалар тақдими билан танишди.

“Ўқимёсаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ж. Мирзамахмудов Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги қарори асосида тармоқ диверсификация қилиниб, янги маҳсулотлар ўзлаштирилгани ҳақида ахборот берди. Натижада охириги 3 йилда ишлаб чиқариш 1,5 баравар, экспорт эса 2 баравар ошган.

Асосийси, илгари сурункали зарар билан ишлаган бу тармоқ 2021 йилни 1,6 триллион сўм соф фойда билан якунлаган.

Жорий йилнинг олти ойида жамият корхоналари томонидан қарийб 7 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, ишлаб чиқариш 11 фоиз ўсган. 218 миллион долларлик товарлар экспорт қилинган.

Йил якунигача ишлаб чиқаришни 14 триллион сўм, экспортни 425 миллион долларга етказиш режалаштирилган. Бунинг учун иккинчи ярим йилликда 650 минг тонна азотли, 70 минг тонна фосфорли ва 120 минг тонна калийли ўғитлар ҳамда 80 минг тонна поливинилхлорид ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари тармоқ корхоналари самарадор-

лигини ошириш ва уларни трансформация қилиш бўйича тизимли ишлаш кераклигини таъкидлади. Энергияни тежаш ва маҳаллийлаштириш орқали таннархни 6 фоизгача камайтириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Тақдиротда галдаги истиқболли лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Кайд этилганидек, йил якунига қадар 400 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 9 та лойиҳа ишга туширилди. Жумладан, “Навоийазот”-да метилцеллюлоза, техник газ, суюк минерал ўғитлар, Чирчиқ кимё технопаркида кўпикли полипропилен, органик ўғитлар ва полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимиз янги лойиҳаларни фақат хусусий инвестициялар иштирокида амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. 5 та кимё кластерида камида 1 миллиард долларлик лойиҳалар портфелини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, акциядорлик жамиятига қарашли корхоналарни хусусийлаштиришни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

Сенат ялпи мажлиси олдидан

ЮРТИМИЗ РАВНАҚИГА ДАХЛДОР ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР – МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Хабарингиз бор, бугун Олий Мажлис Сенатининг ййигрма саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтади. Эътиборлиси, унинг кун тартибидан мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш ҳамда аҳолининг фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган қатор масалалар ўрин олган. Бу масалалар парламент юқори палатаси кўмиталарида дастлабки тарзда муҳокамалардан ўтказилди.

Хукуматга юборилган парламент сўрови натижалари кўрилди

Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси мажлисида Вазирлар Маҳкамасига экспорт ҳажмининг барқарор ўсишни таъминлаш ва унинг номенклатурасини диверсификациялаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан юборилган парламент сўрови натижалари дастлабки тарзда кўриб чиқлди.

Мажлисида Хукумат томонидан экспорт ҳажмини оширишга тўсқинлик қилаётган мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича салмоқли ишлар бажарилгани айтилди. Масалан, республика ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солувчи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, парламент

сўрови муносабати билан аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Таъкидланганидек, парламент сўрови натижасида ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизими фаолиятида узлишларнинг олди олинган. Дастур Давлат божхона кўмитасининг эскирган серверларидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида ўрнатилган замонавий, юқори тезликдаги серверларга ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил якунлари бўйича ҳамда 2022 йил I чорақдаги ихроси тўғрисидаги ҳисобот ҳам муҳокама қилинди.

➡3

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ййигрма саккизинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ййигрма саккизинчи ялпи мажлиси 2022 йил 8 июль куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Сенатнинг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа шаклида ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб берилиди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ПАХТА ЕТИШТИРИШДА ИЛМ ВА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ҚЎШИМЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Пахта ҳосилдорлигини ошириш бўйича янги тизимни жорий қилиш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларга асосланган уруғчилик, нав танлаш, ерга ишлов бериш, ўғитлаш, сугориш ишларини йўлга қўйиш орқали пахта-тўқимачилик соҳасида экспорт ҳажмлари ва даромадни ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Пахтачилик кенгаши (кейинги ўринларда — Пахтачилик кенгаши) ташкил этилсин ҳамда унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Куйидагилар Пахтачилик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳар йили ҳудудларда маҳаллий шароитларда яхши ҳосил бераётган навларни таҳлил қилиб, уларнинг супер элита ва элита уруғларини кўпайтириш бўйича илмий ташкилот ва уруғчилик корхонасини белгилаш;

ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитларига мос энг мақбул навларни ҳудудларда кўпайтириш ва экиш бўйича кластерларга топшириқлар (кўрсатмалар, буюртмалар) бериш;

тупроқ унумдорлиги, унинг кимёвий ва биологик хусусиятларининг илмий таҳлили асосида ҳудудларда қўлланилиши мумкин бўлган кимёвий ва органик ўғитлар бўйича тавсиялар бериш;

гўза касалликлари ва ҳашаротларга қарши курашиш бўйича самарадор препаратларни қўллаш юзасидан кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАМЛАКАТ ТАРИХИДА ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ БОШЛАНГАНИДАН ДАЛОЛАТ БЕРМОҚДА



Дунё нигоҳи

Асосий Қонунга киритиш таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг умумхалқ муҳокамаси хорижий ОАВ диққат марказида.

Хорижий оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда конституциявий ислохотларнинг боришини кенг ёритишда давом этмоқда.

Хусусан, Буюк Британиянинг “Open Central Asia Magazine” журналида Ўзбекистон Конституциясига

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Конституциявий комиссия раиси Акмал Саидов қаламига мансуб “Янги Ўзбекистон конституциявий ислохотларга интиломда” сарлавҳали мақола чоп этилди.

➡2

Нуктаи назар

БИР-БИРИГА СУЯНГАН ТОҒЛАР

Тўй-марока, хизмат юзасидан Қорақалпоғистоннинг денгли барча ҳудудида бўлганмиз. Танги, меҳнаткаш, ориятни қабиҳликдан устун қўйган қорақалпоқ халқи ичида дўстларим, биродарларим кўп. Худуд аҳолисининг матонати, йиллар давомида ййиглиб қолган ихтимоий-иқтисодий муаммоларни сабру қаноат билан енгиб, бир-бирига елкадошлигидан ихлоси ортади кишининг.

Айниқса, Орол фожиаси, унинг асоратларида халқларимиз бир-бирини суюнган тоғ сифатида билиб, қувонч ва тавишларини баҳам кўриб келди. Ниҳоят, ёруғ кунлар келиб, минтақада истиқомат қилаётган қорақалпоқ халқи ва барча юртдошларимиз елкасига офтоб теғди. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий янгила-нишлар ниҳоллари буй чўзди. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Оролбўйи-ни экологик соғломлаштириш, бу ерда яшаётган аҳолининг

ҳаёт даражасини кўтариш, эртанги кунга ишончларини мустаҳкамлаш мақсадида улкан лойиҳалар ва ободон-лаштириш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Айнан Орол масаласига тўхталадиган бўлсак, 2017 йили Бирлашган Миллатлар Ташки-лоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев дунёнинг энг нуфузли минба-райланган қисмида яшил ҳудуд-лар бўлиб қолди ва БМТга аъзо барча давлатлар томо-нидан бир овоздан

зининг қуриши муаммолари-ни кўтариб, Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ халқаро миқёс-даги саёй-ҳаракатларни фаол бирлаштиришга чақирган эди.

Юртбошимизнинг ушбу нутқидан сўнг Орол муаммо-сига ечим сифатида тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2021 йил 18 май куни БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг ялпи мажли-сида Ўзбекистон томонидан ташаббус сифатида ишлаб чи-қилган муҳим ҳужжат — “Орол-бўйи минтақасини экологик ин-новациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолю-ция кўриб чиқилди ва БМТга аъзо барча давлатлар томо-нидан бир овоздан

➡3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ВА ЙЎНАЛИШСИЗ ТАКСИ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Автотранспорт воситаларидан фойдаланиш-да аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, рес-публикада йўловчи ташиш транспорти тизи-мини ривожлантириш, ушбу йўналишда кўрса-тилаётган хизматлар сифатини ошириш, иш-сизлиқни қисқартириш ҳамда транспорт хиз-матлари бозорини ривожлантириш мақсадида:

1. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб авто-транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда расмийлашти-риш тизими жорий этилсин.

2. Белгилансинки: а) электрон шаклда расмийлаштирилган ав-тотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномани (кейинги ўринларда — электрон ишончнома) нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди;

б) электрон ишончнома расмийлаштир-ганлик учун давлат божи унинг амал қилиш муддатидан келиб чиққан ҳолда ишонч-номани нотариал тасдиқлаш учун ўрнатилган давлат божига нисбатан куйидаги фоизлар-да ундирилади:

бир ойгача бўлган муддатга — 10 фоиз; олти ойгача бўлган муддатга — 50 фоиз; уч йилгача бўлган муддатга — 100 фоиз. в) электрон ишончнома мавжудлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходим-лари томонидан мобиль қурилмалар орқали текширилади;

г) электрон шаклда расмийлаштирилма-ган автотранспорт воситасини бошқариш

(Давоми 2-бетда).



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда давр талаблари асосида тайёрланган ва жамият тараққиётига дахлдор бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Муҳокамаларда асосий эътибор ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётимизда қанчалик даражада аҳамиятга эгаллиги ҳамда унинг зарурати ва моҳиятига қаратилди.

Лойиҳа концептуал жиҳатдан қабул қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Солиқ ва бож-хона қонунчилиги, шунингдек, солиқ ва божхона имтиёз-ларининг қўлланилишини та-комиллаштиришга қаратил-ган Ўзбекистон Республика-сининг айрим қонун ҳужжа-тларига ўзгартиш ва қўшим-чалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейин-

➡3

ги йилларда мамлакатимиз-да бизнес учун қулай инве-стициявий муҳит яратиш, жум-ладан, солиқ юкини камайти-риш, солиқ солишни содда-лаштириш, соҳада замона-вий ахборот-коммуникация технологиялари имкони-ятларидан кенг фойдаланиш орқали ишлаб чиқарувчилар-ни қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

“Қорақалпоғистоннинг тақдири — бу Ўзбекистоннинг тақдири, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги — бу бутун ўзбек халқининг бахти ва фаровонлигидир”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу сўзлари айни ҳақиқат. Азалдан қон-қарин-дош бўлиб, бир дарёнинг су-вини ичиб, бир осмон остида, ягона Ватанда яшаб келган ўзбек ва қорақалпоқ халқла-рининг тақдири чамбарчас боғланган.

Кейинги йилларда Қора-қалпоғистонни ихтимоий, иқтисодий, маданий ва инно-вацион жиҳатдан ривожланти-риш бўйича кенг қўламли иш-лар бажариляпти. Оролни тик-лаш, унинг қуриган, саҳрога айланган қисмида яшил ҳудуд-лар барпо этилмоқда.

Сўнгги беш йилда Қора-

қалпоғистон бюджетига қарийб 11 триллион сўм маблағ ки-ритилгани, шу маблағ ҳисо-бидан салкам 90 минг оилга моддий ёрдам кўрсатилгани, 2020 йилнинг ўзида жон бо-шига тўғри келадиган ялпи да-ромад уч баробар ошганининг ўзи бу ҳудудга Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати томо-нидан кўрсатилаётган эътибор-нинг амалий ифодасидир.

Шу кунларда Ўзбекистонда олиб борилаётган конституця-вий ислохотлар, уларнинг мам-лакатимиз тараққиётда аҳамияти катталиги, замирида “Инсон қадрни учун” деган ғояни амалда қарор топтириш-дек эзгу мақсад ётгани ҳақ гап.

➡3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ПАХТА ЕТИШТИРИШДА ИЛМ ВА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ҚЎШИМЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 мартдаги **“Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ–179-сон қарорига асосан:

2022-2023 йилларда пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ошириш ва экологик ҳолатни яхшилаш учун **субсидия ажратиш** тажрибаси **синовдан ўтказиладиган 13 та туманлар рўйхати тасдиқланганлиги**;

2022-2023 йилларда синов тарихида тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигини ошириш, илмий асосланган алмашлаб экишни ва суғоришнинг янги технологияларини жорий этиш учун Давлат бюджети ҳисобидан **ҳар бир гектар майдонга бир миллион сўмдан субсидия ажратилиши** маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, **Пахтачилик кенгаши ўзига юклатилган вазибаларни дастлаб синов тарихида** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 мартдаги “Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–179-сон қарорига 1-иловада назарда тутилган **13 та туманларда** амалга оширади.

4. Пахтачилик кенгаши **бир ҳафта мuddатда** пахта етиштиришда илм ва инновацияларга асосланган уруғчилик, нав танлаш, ерга ишлов бериш, ўғитлаш, суғориш ишлари ташкил этиладиган **13 та туманларнинг ҳар бири бўйича ишчи гуруҳлари таркибларини** тасдиқласин.

Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоят ҳокимлари 13 та туманлар ишчи гуруҳлари фаолиятининг самарали ташкил этилишига шахсан жавобгар ҳисобланади.

5. **Пахта ҳосилдорлигини оширишнинг** қуйидагиларни назарда тутувчи **янги тартиби жорий қилинсин**:

а) **туман ишчи гуруҳлари** пахта экилган майдонларда **жойига чиққан ҳолда** таҳлиллар асосида **уруғчилик, нав танлаш, ерга ишлов бериш, биостимуляторларни кўллаш, ўғитлаш, ғўза касалликлари ва зараркундаларига қарши курашиш** ҳамда **самарали суғориш** бўйича ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос тақлифларни Пахтачилик кенгаши бошқарув гуруҳига тақдим қилади;

б) **Пахтачилик кенгаши бошқарув гуруҳи** тақдим этилган тақлифларни таҳлил қилиб умумлаштирган ҳолда Пахтачилик кенгашига тақдим қилади;

в) **Пахтачилик кенгаши**: ҳудудда экилган **пахта навларининг ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитларига мос мақбулини танлаш**, шунингдек, **агротехник тадбирларнинг тўғри амалга оширилишини** таъминлаш; пахта экилган майдонлардаги **тупроқнинг**

унумдорлигини ошириш ва самарали ер тайёрлашни ташкил қилиш;

пахта экилган майдонларда **органик ва минерал ўғитларнинг** қўлланилишини яхшилаш;

пахта экилган майдонларда **ғўза касалликлари** ва **зараркундаларига** қарши курашиш бўйича замонавий технологияларни жорий қилиш;

пахта экилган майдонларда **замонавий биостимуляторларни кўллаш**;

пахта етиштириш жараёнида **самарали суғориш тизимини** ва тежамкор технологияларни жорий қилиш бўйича қарорлар қабул қилади;

г) Пахтачилик кенгашининг унга юклатилган вазибаларга асосан ўз ваколатлари доирасида қабул қилган **қарорлари мажбурий ҳисобланади**;

д) Пахтачилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш бўйича: Пахтачилик кенгаши раиси (И.Ю.Абдурахмонов) кенгашга юклатилган вазибалар ижроси юзасидан **ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот беради**;

Пахтачилик кенгаши раисига маҳаллий ва хорижий малакали мутахассисларни жалб этиш ваколати берилади;

Пахтачилик кенгаши ва унинг бошқарув гуруҳи аъзоларига ҳамда Пахтачилик кенгаши фаолияти йўлга қўйиладиган **13 та** туманлар ишчи гуруҳлари аъзоларига 6-иловага мувофиқ микдорларда иш ҳақи тўланади. Бунда тўловлар Инновацион ривожланиш вазирлиги билан тузиладиган меҳнат шартномалари асосида амалга оширилади; маҳаллий ва хорижий малакали мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш муайян ишчи бажариш учун тузиладиган меҳнат шартномаларига асосан мутахассислар билан келишилган микдорларда амалга оширилади.

6. Инновацион ривожланиш вазирлигига жорий йил якунига қадар “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси (И.Хайдаров) **Уюшманинг тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини ривожлантириш жамғармаси** ҳисобидан **10 миллиард сўм** ҳамда Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев) **Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ва озик-овқат таъминоти жамғармаси** ҳисобидан **10 миллиард сўм ажратсин**.

Бунда мазкур бандда назарда тутилган маблағлар Пахтачилик кенгаши ва унинг бошқарув гуруҳи аъзолари ҳамда 13 та туманлар ишчи гуруҳлари аъзоларига иш ҳақи тўлаш, шунингдек, Пахтачилик кенгашига **маҳаллий ва хорижий малакали мутахассисларни жалб этиш харажатларини** қоплашга йўналтирилади.

7. **Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида**:

а) **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси** ҳамда **вилоятлар ҳокимлари 13 та** туманлар ишчи гуруҳлари фаолиятининг самарали ташкил этилишига қўмаклашсин;

б) **“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси (И.Хайдаров)** Уюшманинг тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини ривожлантириш жамғармаси ҳамда **Қишлоқ**

ҳўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев) Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ва озик-овқат таъминоти жамғармаси ҳисобидан мазкур қарорга асосан Инновацион ривожланиш вазирлигига **маблағлар ўтказиб берилишини таъминласин**;

в) Пахтачилик кенгаши раиси И.Ю.Абдурахмонов: Пахтачилик кенгаши ва унинг бошқарув гуруҳи аъзолари ҳамда 13 та туманлар ишчи гуруҳлари аъзоларига **иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ микдорда тўланишини** таъминласин;

13 та туманларда **амалга оширилган ижобий натижалар асосида мазкур тажрибани республиканинг бошқа ҳудудларида жорий қилиш чораларини кўрсин**.

8. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг “Пахтасаноат илмий маркази” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда — Марказ) фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

Марказни Пахтачилик кенгашининг илмий-тадқиқот органи этиб белгилаш;

Пахтачилик кенгашининг соҳага доир кўрсатма ва тавсияларига асосан Марказ фаолиятини такомиллаштириб бориш;

Пахтачилик кенгаши раисини Марказ Кузатув кенгаши таркибига киритиш.

Вазирлар Маҳкамаси **бир ой мuddатда Марказ фаолиятини ташкил этиш** ва молиялаштириш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

9. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов) билан биргаликда **мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазибаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини** таъминласин.

10. Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой мuddатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга **масъул ва шахсий жавобгар** этиб инновацион ривожланиш вазири И.Ю.Абдурахмонов, қишлоқ ҳўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев белгилансин.

Мазкур қарор ижросини **ҳар чорақда** муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С.Ў.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 7 июль

Халқ сўзи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ВА Йўналишсиз ТАКСИ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан йўловчиларни енгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти лицензия varaқасига асосан амалга оширилади;

лицензия varaқаси беришда автомобилнинг эксплуатация даврига қўйилган талаб бекор қилинади;

йўловчиларни енгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти билан шуғулланадиган ўзини ўзи банд қилган шахслар (кейинги ўринларда — ўзини ўзи банд қилган ташувчилар) бир йилда бир маротаба транспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиши шарт;

ўзини ўзи банд қилган ташувчилар “Uztrans” ахборот тизими базасига киритилган кўп тармоқли полилинкиналар ва хусусий тиббиёт муассасалари орқали **бир йилда бир маротаба** тиббий кўриқдан ўтиши шарт;

йўналишсиз такси фаолияти учун лицензия varaқаси берилганлиги учун давлат божи барча турдаги ташувчилардан йилига базавий ҳисоблаш микдорининг бир баробари микдорда ундирилади. Бунда давлат хизматларини кўрсатганлик учун йўлчи ундирилмайди;

йўналишсиз такси хизмати фаолиятига рухсат берувчи лицензия varaқаларида фаолият ҳудуди акс эттирилади;

ўзини ўзи банд қилган ташувчиларнинг автомобиль транспорти том қисмига “TAXI” таниш белгили туқсарик рангли фонарь ўрнатилади;

бошқа соҳаларда меҳнат шартномасига асосан банд бўлган шахслар бир вақтнинг ўзига йўловчиларни енгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти билан ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда шуғулланишлари мумкин.

6. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев) Транспорт вазирлиги билан биргаликда **уч ой мuddатда** йўловчиларни енгил автотранспорт воситаларида ташувчи ва уларга мижозларни излаш бўйича интерактив хизматларни кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан йўловчи ташишга доир қонунчилик талаблари бажарилишини назорат қилиш механизмлари назарда тутувчи низоми лойиҳасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Транспорт вазирлиги (И.Маҳкамов):

уч ой мuddатда Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда техник ва тиббий кўриқ, суғурта полиси ва лицензия varaқаларини расмийлаштириш жараёнларини соддалаштириш мақсадида “Uztrans” ахборот тизимини такомиллаштириш, “Лицензия” ва бошқа ахборот тизимлари билан идоралараро интеграциясини кенгайтириш бўйича амалий чоралар кўрсин; **икки ой мuddатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 7 июль

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАМЛАКАТ ТАРИХИДА ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ БОШЛАНГанидан ДАЛОЛАТ БЕРМОҚДА

◀1 Нaшрда 2022 йил 20 май куни мамлакатда Конституциявий комиссия тузилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Буюк Британиялик ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган. Конституциявий ислохотларнинг асосий йўналишлари ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти чуқур таҳлил қилинган.

Президент Шавкат Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда аҳоли фикр-мулоҳазалари ва ташаббусларини тўла инобатга олиш мақсадида референдум орқали ўзгартишларни қабул қилиш тақлифи билан чиққани таъкидланган. Давлат раҳбари янги Конституцияда халқ манфаатлари, эркинликлари ва кадр-қимматини таъминлаш учун қўшимча қафолатлар, шунингдек, “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” ғоясини мустаҳкамлаш устуворлигини таъкидлади, деб ургуланади журналда.

Туркиянинг “Босфор” интернет-портали журналисти Мустафо Маси қаламига мансуб мақолада “Ўзбекистон сиёсий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча jabҳасини демократлаштириш ва либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш, жамият ҳаётида фуқаролар фаоллигини ошириш ва фуқаролик асосларини шакллантириш йўлидаги дадил ҳаракатларни намойиш этмоқда”, дея таъкидланади.

Муаллиф умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мувозанатини таъминлаш, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида аҳоли иштирокини сезиларли даражада кенгайтириш, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялашда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришда ижобий натижаларга эришилганини қайд этган.

Российнинг оммабоп **“Аргументи и факти” ҳафталик газетасида** чоп этилган мақолада изчил ислохотлар самарасида Ўзбекистон замон талаблари даражасида ривожланаётгани таҳлил қилинган.

Мақолада Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан кейинги дастлабки беш йил ичида мамлакат сиёсий тизими жиддий ўзгаришларга юз тутгани таъкидланган. “Сайлов кампанияси даврида очик қабулхоналарнинг ташкил этилиши янги етакчининг муҳим инновацион қарори бўлди, — дейилади мақолада. — Бу Ўзбекистон ҳаёти учун катта ютуққа айланди. 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинди ҳамда Президентнинг мунтазам фаолият олиб борадиган Халқ қабулхоналари ташкил этилди”.

“2016 ва 2021 йиллардаги Ўзбекистонни таққослаб шуни айтиш мумкинки, республика ўз тараққиётида изчил сурьатларда сакрашга эришди. Беш йил ичида у минтақадаги энг жадал ривожланаётган, инвестициявий жозибадор иқтисодиётлардан бирига айланди, сайёҳларни ўзига тортадиган масканга айланди”, деб ёзилади манбада.

“Радио Петербург” Ўзбекистоннинг Санкт-Петербург шаҳридаги Бош консулини эфирга тақлиф этиб, мамлакатимиз Конституциясини ислох қилишининг мақсад ва вазибалари хусусида суҳбат уюштирди.

Дипломат ўз интервьюсида Ўзбекистон Президенти мамлакат Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси билан чиққанини таъкидлади.

Бош консул петербурглик радиотингловчиларга Ўзбекистон раҳбарининг конституциявий ислохотлар ҳақидаги қарашлари ҳамда ушбу масала бўйича миллий референдум ўтказиш тақлифи ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Конституциядаги айрим моддалар, хусусан, 1-моддада давлатчилик шакли, Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий мақомини янгича таъриф билан ўзгартириш тақлиф этилаётгани таъкидланди. Бундан ташқари, ҳужжатта “хуқуқий давлат”, “ижтимоий давлат” ва “дунёвий давлат” каби тушунчалар киритилаётгани айтилди.

Конституциявий ислохотлар очик ва



ошқора амалга оширилаётгани алоҳида қайд этилди, фуқаролар муҳокамада қатнашиши ва ўз тақлифларини билдириши учун барча имконият яратилгани ургуланди. Айни пайтда Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтаётганига эътибор қаратилди.

Эроннинг **“ITNA Online News” ахборот агентлиги** Ўзбекистон Конституциясига киритиш тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти “Инсон — жамият — давлат”, “Янги Ўзбекистон — фаровонлик давлати” тамойилларини конституциявий норма сифатида мустаҳкамлаш, халқпарвар давлат қуриш, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини тўлиқ таъминлашга қаратилганини маълум қилган.

Мақолада Ўзбекистонда конституциявий ислохотлар ташаббускори мамлакат халқи экани, лекин Бош қомусга ўзгартишлар киритишнинг ғоявий илҳомлантирувчиси Президент Шавкат Мирзиёевлиги таъкидланган. Конституциявий ислохотлар тизимли ва жадал

амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга асосланган бўлиб, ушбу янгилаишлар жараёнининг ўзига хос натижаси, демократик индикатори ҳисобланиши қайд этилган.

Нашрда муштарилар эътибори, шунингдек, янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларнинг асосий мақсади аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг ҳаётини яхшилаш, ижтимоий адолат тамойилни қўллашдан иборат эканлигига қаратилган.

“Ўзбекистондаги конституциявий ислохотлар мамлакат тарихида янги тараққиёт даври бошланганидан далолат беради, — дея қайд этади агентлик. — Янги даврнинг энг муҳим йўналишлари давлат ва бошқарув органлари, уларнинг раҳбарлари адолатли жамият ва ижтимоий давлат қуриш, аҳолининг фаровон ҳаётини таъминлаш бўйича фаолиятини “Инсон кадр-қиммати учун” деган эзгу тамойил асосида ташкил этишда ўз ифодасини топади”.

«Дунё» АА.

ТАКЛИФЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ХАЛҚ КўНГЛИДАН ЧИҚҚАН

Мен юрт ва халқ тақдирига бефарқ бўлмаган, ҳаётда етарлича тажриба орттирган инсон сифатида айтишим мумкинки, Конституциямизни ислох қилиш бўйича билдирилаётган тақлифларнинг аксарияти халқ кўнглидан чиққан, бой тажриба натижасида юзага келган, шаклланган.

Фикр

Давлатимиз раҳбарининг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда илгари сурган тақлифлари ниҳоятда ўринли.

Албатта, вақт ўтиши ва бугунги кун шиддати конституциявий ислохотларни амалга оширишни тақозо этди. Тан олиш керак, авваллари давлат манфаатлари инсондан устун қўйилди, мажбурий меҳнатга қарши курашилмади, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ҳақида кўп гапирдиг-у, аммо амалда талаб даражасида таъминланмади. “Давлат — жамият — инсон” занжириде инсонга муносабат охириги ўринга тушиб қолди.

Бугун-чи? Бугун тизим мутлақо ўзгарди. Мамлакатимизда 2017 йилдан ислохотларга янгича ёндашув кузатилди, давлат сиёсати реал муаммоларни ечиш, халқни рози қилишга қаратилди.

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган тамойил амалга оширила бошланди. Халқ қабулхоналари, виртуал қабулхона фаолияти йўлга қўйилиб, халқ билан мулоқот институти ташкил қилинди. Амалда аввалги занжир “Инсон — жамият — давлат” шаклини олди. Бу давлат сиёсатининг тубдан инсонпарварлик, халқпарварлик томон ўзгаришига олиб келди.

Умуман олганда, янги Ўзбекистонда инсон кадри, инсон манфаатлари биринчи ўринга чиқди. Президентимиз тақлифи билан бирор кишининг содир этган айби учун яқин қариндошлари жавоб бермаслиги тўғрисидаги меъёр Конституциянинг 26-моддасига киритилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Илгари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш-

да асосий эътибор тармоқларга қаратилар, ҳудудлар эҳтиёжлари етарлича ҳисобга олинмас эди. Шу боис баъзи ҳудудлар нисбатан яхши ривожланар, баъзилари қоқоқлигича қоларди. Энди тармоқлар қатори ҳудудлар манфаати ҳам ҳисобга олиниши конституциявий меъёрга айланмоқда. Бу ижтимоий адолатнинг янги Ўзбекистонда юзага чиқаётганига ани бир далолатдир.

Таассуротлар, фикрлар кўп. Шу ўринда мен ҳам фаол фуқаролар қаторида туриб бир тақлиф билдирмоқчиман. Хусусан, Конституциямизнинг 11-моддасига “Давлат танлов асосида кадрлар захирасини яратади ва захирадаги кадрлар билан тизимли ишлар олиб боради” деган меъёрни қўшиш лозим, деб ўйлайман.

Зеро, кадрларни тайёрлаш борасида янги Ўзбекистонда ноёб амалий тажриба тўпланди. Маҳалларда ҳоким ёрдамчилари, ёшлар ва хотин-қизлар етакчилиги институти жорий қилинди. Улар бевосита халқ билан ишлаш кўникмаларини ўзларида ўстирмоқда. Айнан улардан ва бошқа иқтидорли, салоҳиятли, бошқарув кўникмасига эга ва фидойилар орасидан муносибларини кадрлар захирасига киритиш, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига ўқишга тасвиф этиш лозим.

Ўзбекистон фуқароси сифатида Конституциямизга киритилаётган қўшимча ва ўзгартишларга катта умид боғлаялман. Чунки улар Ўзбекистонини ижтимоий адолат таъминланган ҳақиқий демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатга айлантиришнинг асоси бўлади.

Озод ПАРМОНОВ,
меҳнат фахрийси.

Таҳлил

ЎЗАРО БИРДАМЛИК
ВА ҲАМЖИҲАТЛИК
НАМУНАСИ

Парламент қўйи палатасининг деярли барча депутати яқинда ўзлари сайланган сайлов округларидаги умумхалқ муҳокамаларида, маҳаллалардаги учрашувларда, ёшлар билан давра суҳбатларида, кайвони нуронийлар билан самимий мулоқотларда иштирок этиб қайтишди.

Айтиш керакки, аҳолидан олинган тақлифлар асосида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси яна халқнинг муҳокама-сига топишларида сайловчи-ларимизни беҳад қувонтирди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси-га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича Конституция-вий қонун лойиҳасини халқим-из, жамоатчилик билан кенг муҳокама қилиш Бош қому-симизнинг пишиқ-пухта, тўғридан-тўғри ишлайдиган, янада халқчил, том маънода, халқимиз хоҳиш-иродасини — ҳақиқий халқ Конституцияси бўлишига хизмат қилади.

Қайд этиш лозимки, Консти-туциявий қонун лойиҳасидаги нормаларни миллий қонунчи-лигимизга имплементация қилиш мақсадида 70 дан ортиқ хорижий давлатлар конституциялари, 40 га яқин халқаро ҳужжатлар ўрганилди. Бош қомусимизнинг 20-моддасига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган қоидаларга ҳамоҳангдир. Бун-дан ташқари, шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини муайян шароитларда чеклаш мумкин-лиги тўғрисидаги нормалар барча инсон ҳуқуқлари бўйи-ча халқаро шартномаларда ўз аксини топган.

Масалан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-модда-сида қўйидагилар белгилан-ган: “(3) Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш ало-ҳида мажбуриятлар ва ало-ҳида масъулият юклайди. Бу тарзда фойдаланиш айрим чеклашлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, лекин бу чек-лашлар қонун билан белги-ланиши ва қўйидагилар учун зарур бўлиши лозим: а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш учун; б) давлат хавф-сизлигини, жамоат тартиби-ни, аҳоли саломатлиги ёки ах-лоқини муҳофаза этиш учун”.

Шу каби қоидалар минта-қавий ҳужжатда, масалан, Ин-сон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 10(2)-мод-дасида ўз аксини топган. Ўқшаш нормалар демократик давлатларнинг конституцияла-рида белгиланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида ҳам инсон ҳуқуқлари, эркинликла-ри ва қонуний манфаатлари-ни самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида соҳа-да демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва из-чил давом эттириш талаб қилиниши белгиланган.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекис-тоннинг тараққиёт стратегия-сидаги биринчи устувор йўна-лиш ҳам бежиз “Инсон қад-рини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқ-парвар давлат барпо этиш” деб номланмаган. Янги Ўзе-бкис-тон тараққиёт стратегия-сидаги мақсадлар ҳам инсон кадрини юксалтириш госяи асосида ишлаб чиқилган.

Киритилаётган қўшимчалар орқали давлат демократия ва инсон ҳуқуқларининг умум-эътироф этилган гоғялари ва қадриятларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга со-диқлигини яна бир бор таъ-кидлайди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилигимиз янада такомиллашади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, уларга риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш борасида қўшимча консти-туциявий-ҳуқуқий қафолатлар белгиланади.

Ўзбекистон халқи кечаги халқ эмас. Бугун ҳар бири-мизнинг олдимизда аниқ мақ-сад ва режалар бор. Асосий-си, уларни амалга ошириши-миз учун ҳам ҳуқуқий асос, кучли ирода ва қафолатлан-ган ишонч бор. Қадрини бил-ган ҳар бир инсон ўзгармоқ-да, тиришқоқлиги билан жа-миятни, дахлдорлиги билан давлатни, масъуллиги билан Конституцияни ўзгартирмоқда.

Олдимизда ўта муҳим ва тарихий тановв турибди. У ҳам бўлса шу юрт фарзанди — шу халққа мансуб эканлигимиз, қадримиз, шаънимиз, эркин-ликларимиз ва қонуний ман-фаатларимиз ҳимояси ва ка-фолати мужассам бўлган ўзи-мизнинг Конституцияимизни яқдиллик билан танлаш ва бутун ҳамжамият тан олиши тановво.

Гулрух АГЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БИР-БИРИГА СУЯНГАН ТОҒЛАР



Бундан ташқари, БМТ ша-фелияда Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйи-ча кўп томонлама шериклик асосида траст фондининг ташкил этилиши эса Ўзбекистон томонидан илгари сурилган самарали ташаббус бўлди.

Бевосята минтақадаги амалий ишлар-га тўхталсак, Президентимиз Орол ден-гизининг қуриган тубидан миллионлаб тонна чанг ва заҳарли тузлар кўтари-либ, катта ҳудудларга тарқалашининг ол-дини олиш мақсадида 2018 йили Мўйноққа ташрифи чоғида олимлар би-лан маслаҳатлашиб, у ерда шўрга чи-дамли ўсимликлар экиш вазифасини белгиланган эди. Шу асосда ўтган давр мобайнида денгизнинг қуриган қисмида саксовул, қорабўроқ, қандим, черкез каби чўл ўсимликларидан таркиб топган мил-лион-миллион гектарлик тўқайзор барпо этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳуду-дидан ишчи кучи ва техникалар сафар-бар қилинди.

Зеро, “Шоҳига урсанг, туёғи зирқи-райди”, деганлари шу. Тили, дини, урф-одат ва маданияти муштарак халқларимиз ягона маконда, ягона эзгу мақсадларни марра билган эди. Инсон қадри, унинг манфаатлари устувор тутилиб, сайъ-хара-катлар кишиларнинг турмуш фаровон-лигини янада ошириш, муносиб яшаш шароитини таъминлаш ва эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга қаратилди. Та-бийки, буни Қорақалпоғистоннинг иж-тимой-иқтисодий ривожланишсиз та-саввур этиш мушкул. Айнан ушбу омил туфайли бугун пойтахт Нуксдан тортиб, энг олис овулларгача улкан бунёдкор-лик ишлари амалга оширилиб, ҳар бир ҳудуд изчил ривожлантирилмоқда.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, амал-га оширилаётган дастурлар ҳудудни аг-рар ўлкадан замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилма-лар, транспорт-коммуникация тармоқла-ри ҳамда юксак малакали кадрларга эга бўлган қудратли ўлкага айлантираётга-нини таъкидламоқ жоиз. Бунни биргина сўнгги беш йилда ҳудуд маҳаллий бюд-жетига қарийб 11 триллион сўм маблағ йўналтирилганидан ҳам англаш мумкин.

Шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса, камбағалликни қисқартириш бўйича муҳим дастурлар асосида “темир дафтар”га киритилган 65 мингга яқин оилаларга, 16 ёшгача болаликлан ногиронлиги бор аъзоси бўлган ҳамда боқувчисини йўқотган 17 минг оилага моддий ёрдам кўрса-тилганида ҳам эзгу мақсадлар мушта-раклигининг гувоҳи бўламиз. Натижада пандемия шароитига қарамасдан бир-гина 2020 йилда Қорақалпоғистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи даромад ҳажми уч баробар ошди. Қури-лишлар ҳажми сўнгги беш йилда 3,5 мар-та ўсди. Янги-янги ишлаб чиқариш қув-ватлари, замонавий агрокластерлар, қўшма қорхоналар ишга туширилиб, минг-лаб янги объектлар барпо этилди, ре-конструкция қилинди ва таъмирланди.

Бугун Қўнгирот сода заводи, Устюрт газ-кимё комплекси, “Нукус полимер”, “Самсун-Нукус”, “Нукус электроаппа-рат”, “Lanextrakt” қўшма қорхонаси, “Ну-кус Мед Тек” МЧЖ, Хўжайли шиша за-води, “Марказий Осиё безаз тошлари” қўшма қорхонаси, Қўнгиротдаги қарибд, Нукусдаги мрамар ва кабель заводла-

ри, Ўрга газ кони, “Элтекс” ва “Катекс” мажмуалари каби замонавий ишлаб чиқариш қувватларини хорижда ҳам яхши билишади. Яна қатор янгилликлар борки, уларнинг барчаси ҳақида мўъжаз мақо-лада батафсил сўз юритиш мушкул.

Афсуски, мазкур янгиланишларни кўролмайдиган, халқаро ҳамжамият ол-дида Ўзбекистоннинг нуфузини тушириш, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари орасига нифоқ солиш ниятидаги ғаламисларнинг таъсирида юзага келган ноҳуш ҳаракат-лар, албатта, нафақат юртдошларимиз, балки жами илғор ҳамжамиятнини таш-вишга солди.

Минг шукрки, мамлакатимиз раҳба-рининг оқилона сиёсати туфайли бугун ва-зият барқарорлашди. Яъни Президенти-миз, аввало, ҳуқуқ-тартибот тизими ва-киллари билан эмас, фаоллар, зиёли қат-лам билан суҳбатлашди. Ёпиқ объект-ларда эмас, маҳаллаларда юриб, одам-лар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг дилига қўл солди. Қурол қўлланишига изн бермади.

Таъбир жоиз бўлса, эт билан тирноқ орасига кирган тикан олиб ташланди. Аслида-ку, эт билан тирноқ орасига туш-ган тикан кишига бир оз азоб берса-да, уни соғлом организмнинг ўзи чири-тиб, йўқ қилиб юборади. Алқисса, бун-дай ғаламисларни ҳаётнинг ўзи ҳам жа-золайди. Биз, яъни ўзбек ва қорақалпоқ халқлари эса улуг тоғлар каби бир-би-римизга суянчқ бўламиз.

Кобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий ислохотлар
масалалари қўмитасида доимий
асосда ишловчи сенатор.

ЮРТИМИЗ РАВНАҚИГА ДАХЛДОР ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР —
МУҲОКАМА МАРКАЗИДА



Жавобгарлик
кучайтирилмоқда,
жарима миқдори
оширилмоқда

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Маъму-рий жавобгарлик тўғрисидаги ко-дексининг 2061-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун дастлаб-ки тарзда қўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, таъйиқ ва зўравонликдан қажбранганга давлат ҳимоясини тақдим қилувчи, хотин-қизларга таъйиқ ўтказаетган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёҳуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан қонуний таъ-сир кўрсатиш қоралари сифатида “ҳимоя ордери” институти жорий қилинган. Шунингдек, мазкур шахс-лар ҳимоя ордери шартлари ҳамда уни бажармаслик оқибатлари ва зўравонлик хулқ-атвориини ўзгарти-

риш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиши зарурлиги тўғрисида ха-бардор қилинади. Бироқ тегишли жавобгарлик белгиланган бўлишига қарамасдан, таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўра-вонлик содир этган ёҳуд уларни содир қилишга мойил бўлган шахс то-монидан ҳимоя ордери талабларини бажармас-дан хотин-қизларга нисбатан тақ-доран таъйиқ ўтказиш ва зўравон-лик содир этиш ҳолатлари ортиб бормоқда.

Амалдаги қонунчиликка кўра, ҳимоя ордери талабларини бажар-маслик базавий ҳисоблаш миқдо-рининг бир бараваридан уч бара-варигача даражада жарима солиш-га ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. Юқорида қайд этилган салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақса-дида хотин-қизларга нисбатан таъйиқ ўтказган ёки зўравонлик со-дир қилган ёҳуд уларни содир этиш-га мойил шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик ҳолатлари бўйича жавобгарлик ку-чайтирилмоқда.

Хусусан, қонунчиликка киритилает-ган ўзгаришларга кўра, ҳимоя ор-дери талабларини бажармаслик учун белгиланган базавий ҳисоб-лаш миқдорининг бир баравари-дан уч бараваригача даражадаги жарима беш бараваридан ўн ба-раваригача этиб белгиланмоқда.

Мажлисида иштирокчилар томо-нидан таъйиқ ва зўравонлиқнинг олдини олишга қаратилган профи-лактик тадбирлар, хусусан, тарғи-бот ва тушунтириш ишларини яна-да такомиллаштириш бўйича тақ-лиф ва тавсиялар берилди.

Давлат
статистика қўмитаси
раисининг ахбороти
эшитилди

Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиклиқни таъминлаш масалалари қўмитаси мажлисида давлат органлари ва ташкилотла-ри томонидан статистик маълумот-ларни тўғри юритиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳола-ти юзасидан Ўзбекистон Респуб-ликаси Давлат статистика қўмита-си раисининг ахбороти эшитилди.

Айтилганидек, мамлакатимизда статистика маълумотларининг си-фати, холислиги ва ишончилигини ошириш, давлат статистика орган-ларининг мустикалигини таъмин-лаш, статистика кўрсаткичларини халқаро стандартларга мослашти-риш, ижтимоий-иқтисодий ва де-мографик соҳаларда статистиканин-г замонавий усулларини кенг жорий этиш, миллий статистика тизими-ни янада такомиллаштириш бо-расида бир қатор ижобий ишлар ба-жарилмоқда. Жумладан, 2021 йил 11 августда “Расмий статистика тўғрисида”ги Қонун ва бошқа бир

ТАҚДИРИМИЗ
ЧАМБАРЧАС
БОҒЛИҚ



“Қора ноннинг қад-рини оч бўлганда би-ларсиз”, деганларидек, тинчлик қадри у бўзилганда билинди, минг афсус билан барномамиз-ни тишладик. На илоҳ, аҳоли ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходим-лари орасида қўрбонлар бўлди.

Президентимиз бундай ма-ҳалда жим қараб тура олмади. 2 июль куни Нукусга етиб ке-либ, бўлиб ўтган воқеаларга баҳо берди. Энг асосийси, бузғунчи қучлар қўлидаги ба-ҳонани тортиб олди. Жўқорғи Кенгес депутатлари, нуронийлар ва фаоллар билан юзма-юз уч-рашув пайтида Қорақалпоғис-тоннинг ўзига хос этник, мада-ний хусусиятлари, миллий урф-одат ва қадриятлари, алоҳида ҳуқуқий мақомини эътиборга олиб, лойиҳадаги Қорақалпоғис-тон Республикасининг ҳуқуқий мақомига оид нормаларни ўзгартишсиз қолдириш зарури-лиги таъкидлади. Бу сўзлар халқ кўнглига малҳам бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги қардошлиқ, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат, оғиз-бирчилигимизни асраб-авай-лаш, юртимизда ҳукм сураёт-ган тинчлик ва барқарорлик

муҳитини сақлаш барчамизнинг бурчимиз эканлигини таъкидла-гани эртанги кунга ишончимиз-ни янада мустаҳкамлади.

Шавкат Мирзиёев 3 июль куни Нукус шаҳрида йиғилиш ўтказди. Маҳаллаларга чиқиб, халқ билан мулоқот қилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, Вазирлар Кенгаши раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари би-лан учрашув ўтказди.

— Барчамиз учун Ватан бит-та. Бизни ягона, улуг бир мақ-сад бирлаштиради. У ҳам бўлса, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровон-лигидир. Барчамиз биргаликда Янги Ўзбекистон ва Янги Қора-қалпоғистонни албатта барпо этамиз, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Орадан чиққан бу гаплар-ни эшитиб, халқнинг кўзла-рида ёш қалқиди. Нукусда бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеа-лар барчамизни энди оғох ва хушёр яшашга ундаши лозим. Тинчлик-тотувлигимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Кенгесбой КАРИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Тадбир

«ГЕНДЕР АДОЛАТ
ЛИДЕРЛАРИ»НИНГ
СОҲАГА ОИД
БИЛИМЛАРИ
МУСТАҲКАМЛАНДИ

Шу йилнинг 4 — 6 июль кунлари Бўстонлиқ туманидаги “Чарос” дам олиш масканда Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги “Гендер адолат лидерлари” жамоаси аъзолари учун семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбир Олий Мажлис Сенати томони-дан Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиёдаги ва-колатхонаси ҳамкорлигида ташкил этил-ди. Бундан қўзланган мақсад “Гендер тенглик таъминланган адолатли жамият курамыз!” шиори остида жамоа аъзола-рининг гендер соҳасидаги билимларини кенгайтириш, малакасини шакллантириш, гендер тенгликни тарғиб этиш ҳамда со-ҳага доир турли лойиҳалар ва дастур-ларни тайёрлашга ўргатиш, шунингдек, ўзаро тажриба алмашиш ва ўқув қўниқ-маларини мустаҳкамлашдан иборат эди.

Шундан келиб чиқиб, семинар-тренинг давомида сенаторлар, олимлар ва экс-пертлар томонидан “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг маз-муни ва моҳияти”, “Инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик”, “Лидерлик қўниқмалари ва асослари”, “Нутқ маданияти ва но-тиклик санъати”, “Исролда гендер тенг-лик”, “Пресс-релиз тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари”, “Креатив фикрлаш. Тан-қидий ва таҳлилий фикрлар”, “Гендер иқтисодиёти” каби мавзуларда маъруза-лар қилинди.

Анжуман доирасида Олий Мажлис Се-натининг Ёшлар, маданият ва спорт ма-салалари қўмитаси раиси Б. Сайфуллаев билан ташкил этилган давра суҳбатида йигит-қизлар ўзларини қизиқтирган са-волларга атрофича жавоб олиш имко-нига эга бўлди.

Шунингдек, Сенат девони раҳбар-ход-имлари томонидан 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг маз-мун-моҳияти очиб берилди.

Бундан ташқари, ёшларнинг вақтини янада фойдалани, мазмунли ва мароқли ўтказиш учун турли маданий тадбирлар, бадий дастурлар ҳамда интеллектуал ўйинлар уюштирилди.

“Гендер адолат лидерлари” жамоаси-нинг Навоий вилоятидан танланган аъзо-си Азизбек Сайфиев ўз фикрларини шун-дай баён этди:

— Авваламбор, мазкур янги жамоа аъзоси бўлганимдан мамнунман. Бу ерда жуда кўплаб дўстлар орттирдим, ўзаро тажриба алмашдик. Тадбирлар эса жуда юқори савияда интерфакл услубда таш-кил этилди. Биз семинар-тренинг орқали янги билимлар олдик. Гендер соҳасида-ги биланларимиз мустаҳкамланди. Бу-ларнинг барчаси келгуси фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Тадбир давомида жамоа аъзолари ҳамда соҳа мутахассислари томонидан янги тузилманинг истиқболдаги режа-лари ишлаб чиқилди ва гендер тенг-лик йўналишида амалга оширилиши за-рур бўлган муҳим тадбирлар белгилаб олинди.

Шунингдек, “Гендер адолат лидер-лари” жамоаси аъзолари таъкилотчи-лар томонидан сертификатлар билан тақдирланди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИНГ
АМАЛИЙ ИФОДАСИ



Мазкур қонун лойиҳаси би-лан мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ставкаси 15 фоиздан 10 фоизга туширилади, но-давлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбо-раётган ота-оналарнинг ойига 3 милли-он сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилади, хизматлар со-ҳасини ривожлантириш учун солиқ им-тиёзлари берилади ва алоҳида солиқ ре-жими жорий этилади.

Шунингдек, капитал бозорини қўлла-б-қувватлаш учун солиқ имтиёзлари бери-лади, тиббиёт асбоб-ускуналари ва буюмларининг эҳтиёт қисмлари ҳамда тиббиёт мақсадлари учун сарфлаш ма-териаллари импорти қўшилган қиймат со-лиғидан озод қилинади, хотин-қизларнинг бандлигини ошириш мақсадида меҳнат ресурслари зич бўлган қишлоқ жойлари-нинг реестрига киритилган ҳудудлардаги тадбиркорлик субъектларига ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдоридида ўрнатилади.

Мажлисида депутатлар айтганидек, қонун лойиҳаси юртимизда инвести-

циявий муҳитни янада яхшилаш, адолатли рақобат тамойилла-рини жорий этиш ҳамда тад-биркорлик субъектларининг ўз ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Мазкур қонун лойиҳаси би-ринчи ўқишда халқ вакиллари томонидан концептуал жиҳатдан қабул қилинди. Қонун лойиҳаси-ларини долзарблиги инобатга олинган ҳолда масъул қўмита тақлифига кўра иккинчи ўқишда “Солиқ ва божхона қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиш-лар киритиш тўғрисида”ги янги ном бил-лан моддама-модда қўриб чиқилди. Шун-дан сўнг қонун учинчи ўқишда қабул қили-ниб, Сенатга юбориладиган бўлди.

Маҳсулотлар
хавфсизлиги замон
талабига жавоб
берадими?

Мажлисида депутатлар “Техник жиҳат-дан тартибга солиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда атрофича қўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасини ишлаб чиқилган мақсад — миллий сифат инфратузилмасининг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, маҳсулотлар хавфсизлигини халқаро талаблар билан

уйғунлаштириш, савдо-сотикдаги тўсиқ-ларни бартараф этиш, ишлаб чиқарувчи-лар, сотувчилар ва импорт қилувчилар-нинг жавобгарлик даражасини қўнайти-риш, маҳаллий маҳсулотлар сифати ва рақобатбардорлигини ошириш ҳамда маҳсулот хавфсизлиги бўйича истеъмол-чилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тай-ёрлаш жараёнида масъул қўмита аъзо-лари депутатлар берган тақлифлар асо-сида такомиллаштирди. Хусусан, ҳавола-ки нормалар қиқарилиб, тўғридан-тўғри ишлайдиган моддалар киритилди.

Мазкур қонун лойиҳасида белгилан-наётган нормалар маҳсулот хавфсизли-гини таъминлаш масалаларида истеъмол-чилар ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, таъши бозорда рақобат-бардошлиқни таъминлашга ёрдам беради.

Шунингдек, маҳсулотларнинг хавфсиз-лик талабларини белгилаш орқали фука-ролар ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, истеъмолчиларини қалғилатидиган ҳаракатларнинг олдини олиш, маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий нормаларнинг самарадорлигини амалга оширишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Стандартлаштириш
тизими: миллий ва
халқаро амалиёт

Халқ вакиллари “Стандартлашти-риш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси-

ни иккинчи ўқишда қўриб қикди.

Таъкидланганидек, стандартлаштириш тизимини замонавий талабларга мос келтиришининг туб моҳияти, фақатгина соҳага оид атамаларни уйғунлаштириш-дан эмас, балки стандартлаштириш ти-зимининг қонуний базасини халқаро стандартлар талабларига мослаштири-дан иборат.

Қонун лойиҳасида кўзда тутилган нор-малар сифатсиз маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ва амалиётда фойдалани-лишининг олдини олади. Шунингдек, истеъмолчиларнинг қонуний манфаатла-рини ҳимоялашга, фуқаролар, жамият ва давлатнинг сифатли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ҳуқуқий нормаларнинг самарали ишлаши-га асос бўлади.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижа-сида стандартлаштириш тизими халқаро амалиёт билан уйғунлаштирилди. Бунда маҳсулотлар (хизматлар) ва жараёнлар-нинг сифати, уларнинг ташқи бозорда ра-қобатбардорлиги ошишига эришилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Аккредитация
қилишнинг
қонуний асоси
кучайтирилади

Мажлисида халқ вакиллари янги ном билан кирган — “Мувофиқлиқни баҳолаш

натижасида фуқароларга етказилган зарар қопланади

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.28 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5